



ПРЕЗИДЕНТ: КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ УЧУН БИЗДА БАРЧА ЗАХИРА ВА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимиздаги эпидемиологик вазиятга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтилди.

“COVID-19” пандемиясини жиповлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирар экан, давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Хабарингиз бор, мамлакатимизда коронавируста чалинганлар сони кўпайиб бораётгани муносабати билан биз карантин талабларини яна кучайтиришга мажбур бўлдик. Нега деганда, очик айтиш керак, ҳозирги кунда бутун дунё коронавирус деб ном олган мана шу тилсиз ёв, кўзга кўринмас душманга қарши уруш ҳолатида турибди.

Урушга кирган ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ ўз юртини, ўз аҳолисини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўради. Энг аввало, хавф-хатарнинг йўлини беркитади, темир интизом ўрнатади. Қатъий сафарбарлик шароитида яшаш ва ишлашга ўтади. Бугун биз ҳам айни шундай ҳолатдамыз.

Республика махсус комиссияси томонидан вазият мунтазам таҳлил қилиниб, инфекцияни жиповлаш юзасидан барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу касалликка қарши кураш учун бизда барча заҳира ва имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, фидойи ва жасур

шифокорларимиз ўз бурчини садоқат ва матонат билан бажармоқда.

Такрор айтаман, биз энди пандемия шароитида яшашга, меҳнат қилишга ўрганишимиз шарт. Чунки ҳаёт давом этмоқда. Ҳаёт биздан ақл-дрок, сабр-тоқат, метин интизом билан ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Ўзимиз кўряпмиз, дунёда қайси давлатда тиббий маданият, тартиб-интизом кучли бўлса, уша мамлакат пандемиядан энг кам талафот билан чиқмоқда.

Биз ҳам шу йўлдан боришимиз шарт. Албатта, ўтган 4 ой давомида одамларимиз кўп нарсасга ўрганди. Бизда ҳам маълум тажриба пайдо бўлди.

Таҳлиллар коронавирус билан зарарланишнинг олдини олиш, касалликни эрта аниқлаш, симптомсиз ва енгил кечаётган беморлар билан олиб борилаётган даволаш ва назорат тадбирларини амалга оширишда янги стратегияларни қўллашни талаб қилмоқда.

Республика махсус комиссияси бу борада тезлик билан барча зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Шу мақсадда, Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусоев, соғлиқни

сақлаш вазири Алишер Шодмонов бир кун муддатда амалдаги тест-тахлил топшириш жараёнини қайта кўриб чиқиб, аҳоли учун қўлай тизимни ишлаб чиқсин.

Яна бир муҳим масала — вилоят, шаҳар ва туманларда маҳаллий кенгашлар, жойлардаги ҳокимлик ва бошқарув идоралари ўз ҳудудидаги вазиятни чуқур таҳлил қилиб, Республика махсус комиссияси билан келишилган ҳолда карантин қоидаларини қаерда зарур бўлса кучайтириши, қаерда зарур бўлса юмшатиши лозим.

Барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, имконият мавжуд бўлган ҳамма жойда ишлаб чиқариш корхоналарини ишга солишимиз, меҳнат унумдорлигини оширишимиз керак.

Масалан, қишлоқ жойларда аҳоли шаҳардагидек тигиз эмас. Касаллик тарқамган ҳудудларимиз ҳам кўп. Бу ерларда ҳозирги пайтда ҳамма далада иш билан банд, одамларнинг қўли-қўлига тегайди.

Бундай туманларда қишлоқ меҳнаткашларининг бемалол ишлаши, махсулотини харидорларга етказиб бериши учун барча шароитни яратишимиз керак. Чунки ёзининг бир куни қишининг ўн кунини боқади.

ЎЗА

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 июль куни ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ярим йилдан буён бутун дунё кучайтирилган карантин шароитида яшамоқда. Бу мураккаб даврда ҳамма давлатларда энг асосий муаммо аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, даромад билан таъминлаш бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ишсизларнинг 732 минг нафари йил, 834 минг нафари хотин-қизлардир.

Ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадида жорий йил 30 июнда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ, ёшлар сиёсатини юритишда давлат идоралари олдида масала қўя оладиган, зарур ваколат ва молиявий ресурсларга эга бўлган Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Хотин-қизлар билан ишлаш учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида вертикал тизим яратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, бу борада алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, мажлаб битирувчиларини ўқиш ва ишга қатнаб этиш масалалари муҳокама қилинди. Жорий йилда умумтаълим мактабларини 452 минг ўғил-қиз ташкилади. Уларнинг 70 минги олий таълим, 85 минги профессионал таълимга кириди. 95 мингдан зиёди ишга жойлашган тақдирда ҳам, яна 200 мингга яқин ёшларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Мактабданок касбга ўқитиш тизими жорий этилиши белгиланди. Навбатдаги ўқув йилидан бошлаб мактаб директори ва ўқитувчиларга ўқувчиларнинг олий таълимга кириши, касб эгаллаб, ўз ишини топиши даражасига қараб оширилган иш ҳақи тўланади. Бунинг учун 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг касблар кесимида қизиқиши аниқланади. 8-9-синф ўқувчилари дастурчи, дизайнер, таржимон каби истиқболли касблар учун пойдевор бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллайди. 10-синфдан робототехника, дастурлаш каби талаб юқори касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

Жорий йил охиригача маҳаллаларда

136 та касб-хунар ўқитиш маскани, қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курсларини ташкил этиб, 31 та касб-хунарга ўқитиш марказларини жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Бу мақсадлар учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан бандликка кўмаклашиш жамғармасида 200 миллиард сўм ажратили, ўқув курсларини, аввало, камбағаллик энг юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда меҳнат бозоридagi бугунги талаб ва ёшларнинг уларга тайёрилиги масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Жорий ўқув йилида 339 та касб-хунар мактаблари, 212 та коллеж, 175 та техникумда 215 минг нафар ёшларнинг таълим олиши режалаштирилган. Лекин бу таълим масканларидаги йўналишлар на сон, на сифат бўйича талабга жавоб беради.

Мисол учун, мамлакатимизда катта қўламада қурилишлар бўлаётган бугунги даврда йилга камда 50 минг нафар профессионал қурувчиға эҳтиёж бор. Бироқ қурилиш йўналишида 170 та коллежда 13 минг мутахассис тайёрлаш режалаштирилган, холос.

Ёки IT-технологиялар бўйича “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бошланганига қарамай, касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлардаги йўналишлар на сон, на сифат бўйича талабга жавоб беради.

Давлат раҳбари бу каби камчиликларни кўрсатиб, меҳнат бозорида ишчи касбларга реал эҳтиёжни ҳар бир тармоқ ва соҳа кесимида аниқлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитиш дастури ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Тоғ-кон, металлургия, нефть-газ, кимё, автомобилсозлик, қурилиш, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат, транспорт-логистика соҳасидаги йирик корхоналар ва кластерлар давлат берган имтиёз ва преференцияларга жавобан ўзлари учун ишчи-мутахассисларни тайёрлайдиган инфратузилмани барпо этишлари кераклиги таъкидланди. Мутасаддиларга шу бўйича топшириқлар берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигиға тижорат банклари билан бирга ёшларни замонавий

агротехнологиялар бўйича ўқитишни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳудудларига сафарлари чоғида IT-паркларни бориб кўради, ахборот технологиялари бўйича лойиҳаларга алоҳида аҳамият қаратади. Чунки бу соҳада ёшларни иш билан, юқори даромад билан таъминлаш учун катта имкониятлар бор.

Видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага тўхталиб ўтилди. Ҳар бир туман ва шаҳар Ёшлар ишлари бўлими ва олий ўқув юртлари қошида ахборот технологияларига ўқитиш марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Жорий йилда 380 минг нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича шаҳар ва туманлар кесимида “манзилли режа”лар ишлаб чиқилиб, маҳаллий кенгашларда тасдиқланган эди. Натигада ўтган олти ойда 270 минг нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Йиғилишда дастур ижроси ҳамма жойда ҳам бирдек бажарилмаётгани кайд этилиб, маъсуллар огоҳлантириб ўтилди.

Йил якунигача ёшларнинг 360 миллиард сўмлик 2 минг 200 та лойиҳасини амалга ошириш орқали камда 10 мингга янги иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Ёшлар учун яна бир муҳим янгилик — Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси қошида Венчур фонд ташкил этилиши белгиланди. Ушбу жамғармага дастлаб 1 миллион доллар йўналтирилади.

Шунингдек, стартап лойиҳалар танловини ташкил этиш орқали жорий йилда ҳар бир вилоятда камда 10 та, келгуси йилдан бошлаб йилга камда 20 та энг яхши стартап лойиҳаларга 50 миллиондан 200 миллион сўмгача грант ажратилади. Бундан ташқари, қудуқ қазичи, сўғориш воситалари харид қилиш, иссиқхона ўрнатиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ёшларга субсидиялар берилади.

Ёш тадбиркорларга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, банк ва бошқа соҳалар бўйича консалтинг хизматлари харажатлари қопланади. Президент ушбу чора-тадбирлар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Тараққиёт мезони

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугун жамиятда рақамли технологияларнинг аҳамияти тобора ортмоқда. Уларнинг кенг жорий қилиниши ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари ҳозирги замонда ҳар бир давлат учун жиддий ҳаётий масалага айланган. Экспертлар фикрича, келгуси 5 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўрни ахборот технологиялари ёрдамида яратилади.



Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, жорий йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган бекжиз эмас.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида ўта муҳим ва долзарб вазифалар қўйилган. Мазкур йўналишдаги ишлар тўғрисида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шўхрат СОДИҚОВ билан суҳбатлашдик.

Давоми 2-бетда

Фармон ва ижро

ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ — КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАРКАЗИ

Бугун жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини, уларнинг муайян қатлами йўлантираётган, ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритиши, пировардида мамлакатнинг жадал тараққий этишида жамоатчилик назоратининг ўрни бекиёс.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида энг муҳим ташаббуслардан бири сифатида мамлакатимизда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ва мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатиш масаласи илгари сурилди.

Конституциямизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципларини амалда тўла рўёбга чиқаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ташаббуси қизгин кутиб олинди.

Шу йилнинг 16 апрель куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, унга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, ривожланишнинг янги босқичига кўтаришга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Давоми 2-бетда



КАРАНТИН ҚОЙДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

3-бетга қаранг



Бошланиши 1-бетда

— Рақамли иқтисодиёт, биринчи навбатда, коррупциядан холи ҳудудда ишлаш имкониятини яратди. У "хуфиёна иқтисодиёт"нинг асосий қушандасидир. Чўнқи рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди. Керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирор маълумотни бекитиш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермаслигини илоҳи қолмайди, — дейди Шухрат Содиков. — Бунинг натижасида эса иқтисодиётга йўналтирилган қонуний маблағлар жой-жойига сарфланади. Айниқса, солиқларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, бюджет тақсироти ошқоралиги, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ ўз манзилига мақсадли етиб боришига замин яратилади. Шу боис, рақамли технологияларни бизни тарқиқётга элтадиган энг қисқа йўл, дея аташ гоят оқилона ва одилона таъриф бўлади.

Охириг икки йил ичида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан кенг кўламли ва комплекс ишлар олиб борилди. Шу билан бирга, бугунги кунда вазирлик олдида Мурожаатномада акс этган муҳим вазифалар турибди.

Энг асосий вазифа "Рақамли Ўзбекистон – 2030" концепциясини амалиётга татбиқ этиш бўлиб, у ўз ичига барча соҳа ва тармоқларни қамраб олган. Бундай йирик лойиҳани амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг тўлиқ ҳақида комплекс ўзгаришга, рақобатбардорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳим вазифалардан яна бири давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашдир. Қарорга асосан тасдиқланган "Рақамли Тошкент" комплекс дастурида таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, коммунал соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жалб қилган ҳолда пойтахтимиизнинг қиёфасини тўлиқ ижобий ўзгартириш кўзда тутилган.

"Рақамли Тошкент" концепцияси "Хавфсиз шаҳар" йирик лойиҳаси билан бевосита боғлиқ. Мазкур лойиҳани 2019-2023 йилларда республикаимизнинг барча ҳудудида босқичма-босқич жорий этиш зарурлиги белгиланган. Биринчи босқичда Тошкент шаҳрида лойиҳанинг ягона технологик платформасини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 28 апрель куни Президентимизнинг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга қўра, 2023 йилга бориб, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялли ички маҳсулотидаги улушини 2 баравар ва ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш ҳамда уларнинг экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, 2020-2022 йилларда электрон ҳукумат, телекоммуникациялар, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжаларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича 268 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Фармон ва ижро

Бошланиши 1-бетда

Жамоатчилик палатасининг Президент ҳузурида мутлақо янги институт сифатида ташкил этилишидан қўзғаланган мақсад ҳам фуқаро-жамоат ташкилотлари-давлат билгилани мустақамлаш орқали халқнинг ҳўқимиятдан, ҳўқимиятнинг халқдан узоқлашишининг олдини олишдир.

Жамоатчилик палатаси иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил институт бўлиб, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги конструктив мулоқот ўрнатуви ташкилот эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда ривожланиб бораётган мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги реалликка айланган. Улар ижтимоий юкни тенг тақсимлаб, давлат ҳаётининг ортиқча ўзриқишларсиз давом этишига самарали хизмат қилмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда 10 000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлсада, уларнинг аксарияти жамият ҳаётида ўз ўрнига

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

— Мамлакатимиз учун долзарб соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш жараёни қандай кечмоқда?

— Ўзбекистонда ривожланиш учун катта аҳамиятга эга бўлган соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу рўйхатда аграр соҳа муҳим ўрин тутди. Шу боис, тармоқларни янги босқичга чиқаришга хизмат қилувчи 24 та лойиҳани рўёбга чиқариш мўлжалланган.

Айтиш керакки, қишлоқ ва сув хўжаллиги тармоқларига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича муаммолар, тезкор ҳал этиш зарур бўлган масалалар оз эмас. Ахборот технологиялари қишлоқ хўжалигида ерни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишда жуда қўл келади. Масалан, ерни космик зондаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ерининг мелiorатив ҳолати ва минераллашув миқдорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгилаб, ҳосилдорлиқни 25-30 фоизгача ошириш имконини беради.

Андижон вилоятидаги қишлоқ хўжаллиги ерлари ҳамда уларда етиштирилаётган экинлар ҳолатини тезкор ва аниқ баҳолаш мақсадида сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш бўйича тажриба (пилот) лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида вилоятдаги олти та майдон танлаб олиниб, вектор форматда "Монтерра" онлайн платформасига жойлаштирилди. Шунингдек, ер эгаларига сунъий йўлдош технологиялари ёрдамида экинлар ҳолати бўйича тегишли хулосалар берилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Андижон технопарки ҳузурида янги резидент ташкил этилади. Етти нафар малакали дастурчининг қишлоқ хўжалиги бўйича малакаси оширилди.

Ташкил этилган корхона томонидан вилоятдаги барча экин майдонларининг тахлилчи маълумотларни шакллантириб, ер эгаларига тақдим этилади. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида чет давлатларнинг ер майдонлари ҳақидаги тегишли хулосаларини шакллантирган ҳолда ушбу хизмат экспортини амалга ошириш имконияти туғилади.


— Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳам бозор иштирокчиларига муносиб шароитлар яратиб беришдир. Хозирги кунда АКТ соҳаси тадбиркорлари учун қандай имкониятлар яратилган?

— Бугунги кунда соҳа мутахассисларига шароит яратиш, IT тадбиркорлиқни, айниқса, АКТ соҳасида стартап лойиҳаларни ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат идораларига қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган шартномаларни IT-парк резидентлари ўртасида танлов асосида имзолаш ҳўқуқи берилгани истеъдодли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди, уларни янги-янги гоёларга руҳлантиради.

Шу мақсадда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки барпо этилди. Айни пайтда тўрт минг нафар мутахассис фаолият юритаётган 392 та ташкилот IT-паркнинг резидентлари ҳисобланади.

Мазкур паркида зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораториялар, корвоннинг маркази ҳамда офис майдонлари мавжуд. Технопарк резидентларига молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, резидентлар учун молиявий имтиёзлар ҳам белгиланган.

Бундай муваффақиятчи тажриба юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам технопаркларни очишга туртки бўлди. 2020–2024 йилларда мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида, биринчи навбатда, Нукус, Бўхоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Ўрган ҳаҳарларида, шу



жумладан, Тошкент шаҳридаги ал-Хоразмий номидаги иҳтисослаштирилган мактаб ҳузурида IT-парк ташкил қилинади.

IT-паркнинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳўқимликлар билан қўшма қарорлар имзолалиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазифалар тармоқ жадаллари тасдиқланди.

Андижон ("Digital city" технопарки), Фарғона (IT-парк Марғилон филиали) Сирдарё (IT-парк Гулистон филиали) вилоятларида фойдаланишга топширилиб, Андижон филиалида 10 та резидент ва Марғилон филиалида 7 та резидент фаолият юритмоқда.

Шулардан бири 30 июнь куни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Гулистон филиали очилди.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқда. Технопарк резидентлари томонидан жорий этилиши мумкин бўлган фаолият турларини кенгайтириш, рақамли таълим марказларини ҳудудларида кенг ташкил этиш, технопарк резидентларини жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини татбиқ қилиш шулар жумласига қиради.

Шу нўқтани назардан қараганда, маҳаллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар сонини қўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат идораларига қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган шартномаларни IT-парк резидентлари ўртасида танлов асосида имзолаш ҳўқуқи берилгани истеъдодли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди, уларни янги-янги гоёларга руҳлантиради.

— Рақамли технологиялар аҳоли учун қандай афзалликларга эга? Фуқаролар учун қўлай онлайн давлат хизматларини кўрсатиш бўйича қандай долзарб вазифаларни бажариш зарур?

— Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишлаб чиқилди (https://my.gov.uz). Бугунги кунда Ягона портал орқали 176 тадан ортиқ электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда.

Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эл инвесторлари мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қўнуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммолари масалаларини ҳал этиш мақсадида Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш виртуал

қабулхонаси "business.gov.uz" портали ишга туширилди.

Норматив-ҳўқуқий ҳўжжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳўқимият органларига қўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда қелишиш учун, шу жумладан, бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида ягона электрон тизим "project.gov.uz" жорий этилди.

Бундан ташқари, автомобиль транспортда йўловчиларни ва юқларни ташкил хизмати учун лицензия бериш, абитуриентлардан ҳўжжатларни онлайн қабул қилиш, ипотека кредитига давлат субсидияси ва ўқиш жойидан маълумотнома олиш хизматлари ҳам яратилди.

Ҳўкумат органлари ва аҳоли ўртасида самарали қайта мулоқот тизими ўрнатилиши энг ёрқин мисоллардан бири сифатида ишга тушган "Mening fikrim" жамоавий мурожаатлар порталини кўрсатиш мумкин. Хозирги кунда мазкур веб-порталга 3,6 мингдан ортиқ мурожаатнома қелиб тушди, 25,2 мингдан ортиқ тақлиф ва изох чоп этилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 26 та янги хизматлар ишга туширилиб, умумий хизматлар сони 200 тадан ошди.

Йил бошидан буён 1,4 миллионга электрон хизматлар кўрсатилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга ошган.

Шу билан бирга, йил якунига қадар Ягона порталда қилинган 50 та оммабоп давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди.

Уларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, шифокор қабулига онлайн ёзлиш, янги туғилган гўдакни поликлиникага электрон рўйхатга қўйиш, қўчмас мулкни ижара бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, архитектура-режалаштириш топшириғини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, нафақа олиш учун мурожаат юбориш, ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси ва бошқа хизматлар жорий қилинади.

Электрон ҳўкуматнинг идоралараро платформасида давлат органларининг 90 га яқин ахборот тизимлари ва ресурсларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини таъминлаш йўлга қўйилиб, 160 миллиондан ортиқ сўровларга онлайн шаклда маълумотлар берилган.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида шу йил 8 июнь куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислотхотлар ижроси бўйича ўтказилган тақдиротда энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, "Электрон ҳўкумат" хизматларида талаб кундан-кунга ортмоқда. Лекин ҳозир 780 турдаги давлат хизматидан бёр-йўғи 185 тасидан "электрон портал" орқали фойдаланиш имкони мавжуд. Аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат ҳўжжат алмасишувини электронлаштириш билан чекланмоқда. Бу борада электрон ҳўкуматни янада ривожлантириш, фуқаролар учун замонавий қўлай давлат хизматларини кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнини жадаллаштириш мақсадида энг муҳим йўналиш ва долзарб масалаларни қамраб олган 104 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида "Ягона электрон тиббий карта" ахборот тизимининг жорий этилиши юртимиз фуқаролари тўғрисида ягона тиббий маълумотлар базасини шакллантиришга, аҳолининг саломатлиги мониторингини ўтказишда ёрдам беради.

"Электрон рецепт" ахборот тизими эса беморларнинг медикаментоз воситалар билан самарали ва хавфсиз даволанишини ташкил этиш, шифокорларнинг электрон реестрини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳадир. Бу эса, ўз навбатида, тиббий воситаларни назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тизимини тақомиллаштиришга қўмак беради.

Тиббиёт муассасаларида замонавий компьютерлаштирилган тизимни яратиш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" ахборот тизимларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

— Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ёшлар бўлиб, уларни замонавий ахборот технологияларига кенг жалб қилиш, дастурий маҳсулот яратиш ва аутсорсинг хизматларини кўрсатишга қўмаклашиш орқали иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада АКТ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда қандай чоралар қўрилмоқда?

— Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги — аҳолисининг яримдан кўпроғини ташкил этувчи ёшлардир. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш давлат сиёсати даражасига қўтарилиб, уларнинг янги-янги мутахассисликлар ва касбларни эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда.

2019 йил декабрь ойда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги АКТ йўналишига оид фанларни чўқурлаштириш ўқитишга ихтисослашган мактабнинг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда математика ва хорижий тиллар бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган 680 нафар бола ушбу мактабнинг 5-11-синфида таълим олмақда.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таълим соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб университет замонавий таълимнинг кредит тизимига ўтказилди, ва ҳозирги кунда бу тизимда 9 609 нафар талаба таълим олмақда. Университет тузилмасида Ўзбек — Беларусь қўшма факультети ҳам ташкил этилди.

2019 йил октябрь ойда университетда Япония халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (JICA) 1,6 миллион доллар миқдоридagi техник гранти ҳисобига замонавий ўқув медиа маркази очилди. Медиа марказда видеоконтентни тасвирга олиш ва ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд.

Мазкур давр мобайнида халқаро алоқаларни ривожлантириш йўлида Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳам самарали иш олиб борди. 2019 йил март ойда университетда Ўзбекистонда бизнес тахлилчиларни тайёрлаш биринчи "ASPEX BI SCHOOL" мактаби очилди.

Ёшлар ўртасида IT-асосларини кенг ўқитиш, уларнинг ушбу йўналишда таълим олишлари учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлик томонидан "Беш ташаббус" дастури доирасида аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишларини ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилди. Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Амита университети ташкил этилди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, ахборот технологиялари соҳасидаги юксак мақсадларга замонавий дастурчилар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси ишга туширилган.

Бугунги кунда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида машғулотлар uzbecoders.uz ўқув портали орқали олиб борилмоқда. Унда талаб энг юқори тўртта мутахассислик бўйича бепул видеокурслар, жумладан, маълумотларни тахлил қилиш, андроид иловалар, веб-иловалар ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш бўйича дарслар ўзбек тилида субтитрлар билан тақдим этилган.

Кенг жамоатчиликни рақамли билмиларни ўлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги янги мутахассисликларни ўрганишга жалб қилиш мақсадида вазирлигимиз томонидан "Бир миллион дастурчи" лойиҳасида ёшлар иштирокини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, uzbecoders.uz портали орқали 2020-2021 ўқув йилида 2,1 мингдан ортиқ мактабнинг 47 мингдан зиёд ўқувчисини, 44 та олий таълим муассасасининг 54 мингдан ортиқ талабасини ўқитиш режалаштирилган.

Шунингдек, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли йўналишларнинг мутахассислик фанлари ҳамда умумтаълим мактабларининг информатика фани дастурларига "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасидаги дастурлаш йўналишлари мавзуларини киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда юртимиз бўйлаб аҳоли ва ёшлар учун рақамли технология ўқув марказлари ташкил қилинган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан барча ҳудудларда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув марказини очиш режалаштирилмоқда. Бу даргоҳларда дастурлаш асослари, электрон савдо ва графикли дизайн каби йўналишлар бўйича қисқа мудатли ўқув курслари йўлга қўйилди.

Муҳим янгиликлардан яна бири, энди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги IT-паркнинг туманлардаги филиаллари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда ахборот-коммуникация технологияларини чўқурлаштириш ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Мамлакатимиздаги 200 дан ортиқ шаҳар ва туманда биттадан мактаб танлаб олиниб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ихтисослаштирилади.

Ушбу мактаблар туман ва шаҳарлардаги бошқа мактаблар учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таянч база вазифасини ўтайди. Информатика ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ҳамкорликда янги лойиҳалар устида иш олиб боришни йўлга қўйди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби йирик лойиҳаларга старт берилгани Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида рақамли технологияларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини, уларнинг юртимиз бўйлаб қамровини жадал сўрбатда оширади.

Тизим мунтазам ривожлантириш, кенг кўламли ва комплекс лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Шу билан бирга, ҳали олдимизда бажарилиши зарур бўлган муҳим вазифалар турибди.

Зеро, Ўзбекистоннинг тараққиётчи рақамли технологияларнинг барча соҳа ва тармоқларга жорий этилиши ва қўлла-нишига узвий боғлиқдир.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ — КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАРКАЗИ

Бошланиши 1-бетда

эга эмас, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтгани қўйи қоғозларда номи қолган, холос.

Эндиликда Жамоатчилик палатаси ана шу ташкилотларнинг ишини нафақат мувофиқлаштиради, балки тиррак, фаолиятга қўмақдош ва маслаҳатчи бўлади. Бу институт фуқаролик жамиятининг яхлит миллий тизимида марказий бўғинга айланиши қутулмоқда.

Ўз навбатида, жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси учун ҳам Жамоатчилик палатасининг ташкил этилиши узоқ қутилган бир воқелик бўлди.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида жамоатчилик назоратининг объекти сифатида "давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг" фаолияти назарда тутилган. Бироқ истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳўқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолияти объект доирасига киритилмаган.

Вахонани, "Uzbekistan Airways", "Ўзтрансгаз", "Ўзбекэнерго" ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари ва шу каби ҳўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши бугунги кунда нафақат муҳим, балки зарурдир. Шу нўқтани назардан, ҳўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Истеъмолчилар ҳўқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини доимий мониторинг ва жамоат назоратини амалга ошириш биргина ташкилот учун оғирлик қилмоқда.

Аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш, истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилишининг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик жуда зарур.

Шу маънода, юридик шахсларнинг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳўжжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашгача бўлган ўзаро ҳамкорлик учун платформа ниҳоятда катта.

Ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш бўйича уларнинг фаолияти ҳам жамоатчилик назорати объекти бўла олишини назарда тутиб, ҳозирданқ Жамоатчилик палатаси билан жуда яқин ва тияж ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни кўзда тутаямиз.

Жамоатчилик парламенти аҳолини йиллар давомида қийнаб қелаётган ва тизимли муаммолар ечимлари юзасидан тақлифларни давлат ҳўқимияти органлари ва мутасадди ташкилотларга етказиш учун қўлай ахборот майдони бўлиб хизмат қилишини ҳам назардан қичирмаслик керак.

Бу, бир томондан, "барча муаммо давлат зиммасида" қабилида нотўғри қараш шаклланишининг олдини олса

Янги Ўзбекистон ДУНЁ НИГОҲИДА

ЕТТБ ЭКСПЕРТИ:

Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам бизга ривожланиш йўлини кўрсатмоқда ва яқин икки йилда унинг натижаларини кўрамиз

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов Марказий Осиё минтақасида коронавирусдан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш масалаларига бағишланган онлайн брифингда иштирок этди.

Тадбир Вашингтон шаҳрида Халқаро солиқлар ва инвестициялар маркази (ITIC) ва Жорж Вашингтон университетининг Европа, Россия ва Евроосиё тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Брифингда Халқаро солиқ ва инвестициялар маркази президенти Даниэл Витт, Халқаро муносабатлар бўйича кенгаш аъзоси Ариэль Козн, USAID маъмури ёрдамчиси ўринбосари Хавьер Пьедра ҳамда Европа тикланиш ва тарақиёт банкнинг Марказий Осиё бўйича бош иқтисодчиси Эрик Ливни сўзга чиқди. Онлайн анжуманда, шунингдек, расмий шахслар, илмий марказлар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари ҳам қатнашди.

Элчи Жавлон Ваҳобов ўз чиқишида қатнашчиларни Ўзбекистонда пандемияга қарши курашиш, ҳозирги шароитда молиявий ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўрилаётган изчил чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берди. Мамлакатда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш, ташқи савдони диверсификация қилиш ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича қўйилаётган изчил қадамлар алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар, шунингдек, Ўзбекистон раҳбариятининг давлатлар томонидан парвозларнинг тўхтатилиши ва чегараларнинг ёпилиши туфайли чет элда қолган фуқароларни ватанга қайтариш бўйича қўраётган чора-тадбирлари, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан қизиқди.

Брифингда экспертлар пандемиядан келиб чиқадиган муаммоларга қарамай, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимини ва умуман иқтисодиётини қайта тиклаш учун ноёб имкониятларга эга эканини таъкидлади.

“Вазиятга тўғри ёндашиш орқали COVID-19 таъсирида юзга келаётган муаммолар Марказий Осиёнинг янада рақобатбардош, фаровон ва очик бўлишига сабаб бўлиши мумкин”, дейди ITIC президенти Даниэл Витт.

Мутахассислар фикрича, дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ортиб бораётган муаммолар минтақа мамлакатларига қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳамда янги экспорт бозорларини очишга катта туртки бўлиши мумкин.

ЕТТБнинг Марказий Осиё бўйича бош иқтисодчиси Эрик Ливни минтақа-

нинг аксарият мамлакатларида ташқи савдо айланмаси таркибини диверсификация қилиш даражаси паст эканини айтиб ўтди. Унинг фикрича, кичик бизнес вакиллари салоҳиятини маҳсулотларга қўшимча қиймат берадиган йирик компанияларнинг имкониятлари билан билиштириш стратегиясидан фойдаланган ҳолда самарали диверсификация қилиш мумкин.

“Мен Ўзбекистонни алоҳида тилга олмоқчиман. Дарҳақиқат, бу Марказий Осиёда муаммоларни ҳал қилиш учун зарур ва ташкилий воситалар билан ёндашаётган ягона мамлакатдир. Чунки бу давлат ресурсларни тўғри сарфлаётти”, деди Эрик Ливни. Эксперт мисол сифатида мамлакатдаги тўқимачилик саноатида кластер услубида ишлаб чиқаришни ривожлантириш амалиётини келтирди. Оддий ва самарали тизим ёрдамида фермерлар жаҳон бозорига чиқиш имконига эга бўлмоқда.

“Ўзбекистон бизга ҳақиқатан ҳам ривожланиш йўлини кўрсатмоқда ва бунинг натижаларига яқин икки йилда гувоҳ бўламиз. Бугунги оғир шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ўсишда давом этишини баҳорат қилишимизнинг сабаби шундаки, бу ерда барча ишлар тўғри ташкил этилган. Мамлакат аллақачон янада диверсификация қилинган ва шу йўналишда давом этмоқда”, дея таъкидлади ЕТТБ таҳлилчиси.

АҚШнинг халқаро алоқалар бўйича кенгаши аъзоси Ариэль Козн ҳам ўз нутқида Ўзбекистоннинг пандемия билан самарали курашишга қаратилган, 10 июлдан бошлаб қайтадан амалга киритилган чекловларни “энг тўғри йўл”, деб атади. Унинг сўзларига кўра, инфекциянинг тарқалиш даражаси фақат қатъий карантин чоралари ва аҳоли ўртасида ушбу меъёрларнинг аҳамияти тўғрисида кенг қамровли ахборот кампанияси билан бошқарилиши мумкин.

Солиқлар ва инвестициялар халқаро маркази 1993 йилда ташкил этилган. Марказ нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. У мустақил ўтиш давридаги мамлакатларда солиқ ислохотлари ва давлат-хусусий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга кўмак кўрсатади. Аини пайтда марказ жаҳоннинг 85 та давлатида молия, божхона хизматлари ва солиқ органлари, шунингдек, солиқ сиёсати билан шуғулланувчи халқаро ва минтақавий молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

“Дунё” АА
Вашингтон

Мутахассислар фикрича, дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ортиб бораётган муаммолар минтақа мамлакатларига қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳамда янги экспорт бозорларини очишга катта туртки бўлиши мумкин.

КАРАНТИН

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Сўнгги бир неча ойлardan буюн дунёдаги ҳатто энг қудратли, ривожланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар ҳам коронавирус инфекцияси ўчоғига айланиб, юз минглаб қурбонлар берганига ва ҳозир ҳам касалланаётганлар сони жаҳон миқёсида кундан-кунга ўсиб бораётганига гувоҳимиз.

Дунёнинг энг етакчи давлатларида тиббий сўғуртаси мавжуд бўлмаган беморлар тиббий ёрдамдан маҳрум этилиб, тақдир ҳужмига ташлаб қўйилгани, уларнинг жасадларини кремация қилиш ва дафн этиш учун узундан-узқ навбатлар юзга келганини ҳам ойнаи жаҳон орқали ўз кўзимиз билан кўрдик.

АҚШ, Европадаги ривожланган давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизими касалланганлар оқимида дош беролмай, вирус қаршисида ожиз қолаётгани, шифокорлар, ҳамширалар тиббий ҳимоя воситалари танқислигига қора элаб, ахлат ташлаш учун фойдаланиладиган целлофан пакетлардан фойдаланиш, кўплаб давлатларда қўлобола сунъий нафас олиш аппаратларини қўллашга мажбур бўлинаётгани ОАВ орқали кўп бор ёритилди.

Бугун бутун Ўзбекистон бу офатга қарши кураш олиб бормоқда. Мамлакатимизда дастлабки бемор аниқланган кундан бошлаб қатъий чоралар ишлаб чиқилиб, касаллиқни жиповлаш учун бор имкониятлар ишга солинди. Қўрилган тезкор ва кенг қўламли чоралар самараси ўлароқ, касаллиқни жиповлашга

қоидаларига қатъий амал қилайлик!



муваффақ бўлди. Ўзбекистон жаҳондаги давлатлар орасида пандемик вазият кўрсаткичлари бўйича ижобий ўринни эгаллаб, яшил ҳудудларимиз тобора кўпая бошлади. Бунда матонатли шифокорлар, ҳамширалар, тиббиёт муассасаларининг, бошқа фидойи тиббиёт ходимларининг инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун кечая кундуз тиним билмай, ўзини аямай қилган меҳнати, соғлиқни сақлаш тизимига сафарбар этилган молиявий ва техник воситалар ўз самарасини бериб, минглаб беморлар соғайди ва ўз уйларида кузатилди.

Бирок давлатимиз бизга катта ишонч билдириб, инсонпарварлик мезонларига амал қилган ҳолда карантин чораларини башлаштирган, ҳаммамиз ўзимизни “эркин қўйиб юбордик”. 30 кишилик эмас, 100-200 кишилик тўйлар, юбилейлар, туғилган кунлар, гап-гаштаклар авж олди. Тиббий ҳимоя воситаларидан ҳужажуринга фойдаланиб, ота-оналаримиз, фарзандларимиз, яқинларимизнинг

соғлиғига хиёнат қила бошладик. Бунинг оқибатини бугун ҳаммамиз қўриб турибмиз.

Эндилиқда айрим юртдошларимиз бундай вазиятнинг сабабларини узидан эмас, давлат идораларидан, тиббиёт муассасаларидан, шифокорлардан элаб, уларни айблашга уринмоқда. Айримлар эса очикчасига “ҳаммасига давлат айбдор, мени давлат даволасин”, деб иддао қилишга ўтмоқда. Тўғри, бугунги кундаги мавжуд муаммолардан кўз юмишга ҳақимиз йўқ. Муаммолар мавжуд. Аммо уларни бартараф этиш учун ҳаммамиз баравар ҳаракат қилишимиз керакмасмикан?

Агар ҳар биримиз Республика махсус комиссиясининг ҳамма кўрсатмаларига беистисно амал қилсак, бу биз учун қанчалик қийинчилик туғдиради? Бу саволнинг жавоби оддий: бу талабларни бажариш учун биздан жисмоний куч ҳам, сарф-ҳаражат ҳам талаб қилинмайди. Ўйда қолин! Қўчада ниқобсиз юрман!

Бори шу. Бирок мана шу оддий кўрсатмаларни бажариш учун ҳар биримиз, энг аввало, ўзимизни ўзимиз яхши англашимиз, билишимиз, ҳурмат қилишимиз зарур. Агар биз бу қоидага амал қилмасак, касаллиққа чалиниб, юкимизни давлатнинг, шифокорларнинг зиммасига ортиб, ҳеч қим менга ёрдам бермапти, дея нолиб юраверимиз.

Давлат қанчалик бой ва қудратли, унинг соғлиқни сақлаш тизими эса қанчалик ҳавас қилса арзигулик бўлмасин, агар мамлакатдаги ҳар бир фуқаро ўз соғлиғини, аввало, ўзи ҳимояламаса, бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайлама-са, мураккаб вазиятларда белгиланган тартиб-қоидаларга ва интизомга риоя этмаса бундай давлат ҳар қандай эпидемия ва пандемиялар қаршисида ожиз қолаверади.

Хулоса шуки, бугун давлатимиз бор имкониятлардан фойдаланиб барча чораларни кўрди ва кўрмоқда. Энди навбат бизники: қоидаларга амал қилайлик.

Суд тизими

ФАОЛИЯТИМИЗГА ХАЛҚ БАҲО БЕРАДИ

буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак

Бахтиёр ИСЛОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди раиси

“Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлиғига ишониб чиқиб кетиши керак”. Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланган бу сўзлар соҳага оид бугунги куннинг барча талабини ўзида мужассамлаштиради.

Суд-ҳуқуқ соҳасида кейинги йилларда бошланган ислохотлар айнан шундай ориқли жиҳатларга барҳам беришга қаратилди. Судда қўрилган ёки қўрилаётган ишларни қўшимча терговга юбориш амалиётига бутунлай чек қўйилди. Жиноят кодексидаги бунга имкон берувчи модда чиқариб ташланди. Нафақат қонунчилик, балки соҳани ислох қилиш, судларда адолатли қарорлар қабул қилиш, айнисса, оқлов ҳужмлари чиқаришга монелик қиладиган тўсиқлар бартараф этилган, судьялар эркин фаолият юрита бошлади. Буни оқлов ҳужмлари қўлгагани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Оқлов ҳақида фикр юритар эканмиз, ўрни келганда, Тошкент шаҳри судлари фаолиятига назар солсак. Кейинги 3,5 йил ичида 427 нафар шахс оқланди. Ўт-



ган йили бу кўрсаткич 200, жорий йил ямида эса 53 нафарни ташкил этди.

Видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар нафақат суд ва ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органлар вакиллари, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутатлари, Сенат аъзолари, жойлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари, вазирликлар, илмий доира вакиллари, қўйинги, кенг жамоатчилик иштирокида ўрганиб чиқилиб, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Суд ҳокимияти вакили сифатида қисқа муддат ичида бу жараёнда кенг қамровли ижобий ўзгаришлардан шахсан ўзимнинг энг катта хулосам шу бўлдики, қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, “халқ билан мулоқот”ни унутиб қўймаслигимиз керак экан. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳаётий тамойил ҳақиқатан ҳам кабинетдан ташқарига чиқиб, фуқаролар билан қандай мулоқот қилишимиз лозимлигини, жойларда сайёр қабуллар, сайёр суд мажлисларини қай йўсинда ташкил этишимизни очиклаб берди.

Йиғилишида айтилган ҳақли эътирозлардан бири — биз ҳали ҳам халқимизнинг ишончини тўла қозона олганимиз йўқ. Инсон ҳуқуқларини энг олий қадриятга айлантириш, адолатли суд ҳокимиятини барпо этиш йўлида катта қадамлар қўйилса-да, лекин фуқароларнинг суд идораларидан рози бўлишига эришиш, суд мажлисларини ошқора ва шаффоф ўтказиш, оммавий ахборот воситалари билан очик ва

шаффоф мулоқот қилиш борасида талай муаммолар бор.

Тўғри, суд ҳокимияти мустақил, бирор давлат органи ёки мансабдор шахс суднинг фаолиятига у ёки бу тарзда аралашishi туғул, ҳатто қабул қилинган суд ҳужжати бўйича тушунтириш беришни сўрашга ҳам ҳақли эмас. Аммо бу дахлсизлик бизга халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, амалга оширилаётган ислохотлардан, жамоатчилик ҳаёти билан ҳамнафас бўлишдан четда туришни англапмайди.

Шунинг учун ҳам йиғилишида бугунги кунда судлар, депутатлар ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик алоқалари йўқлиги, маҳаллий кенгашлар судларнинг ҳисоботини эшитиш билан чекланиб қолаётгани, одамларни ўйлантираётган, қийнаётган муаммолар ҳамжиҳатлиқда муҳофиза қилинмаётгани, оқибатда масаланинг негизига етиб борилаётгани алоҳида қайд этилгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси биздан янада ташаббускор ва халқпарвар судья бўлишни, адолатли суд ҳокимиятини барпо этишда собитқадамлик билан судьялик қасамёдига сўзсиз риоя этишни, судьянинг фаолияти, унинг қарор-туришига халқ баҳо беришни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва шунга монанд йўл тутишимизни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади.




Саноат қўламидаги қайта тикланувчи электр манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторлар аукцион (танлов) орқали аниқланади.



2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тунги даврда фойдаланилган электр энергияси бўйича 1,5 баравар камайтирилган коэффициент қўлланилади.



Қарор билан 3,3 млрд. кВт соат электр энергияси, 2,6 млрд. м³ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи 2020-2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари тасдиқланди.



Жараён

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ

тадбиркорликнинг фаол йўналишларидан бирига айланмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Табиятда мавжуд минглаб турдаги доривор ўсимликлар инсониятга тухфа этилган энг катта бойликлардан биридир. Асрлар давомида халқ табobati ҳам, замонавий тиббиёт ҳам ана шу шифобахш гиёҳлар асосида ривожланди. Аммо бугун ер юзида мавжуд 10-12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг бир қисмиггина кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссаларига кўра, фанда ўрганилган.

Уларнинг яна қанчаси юзлаб касалликларга даво бўладиган шифобахшлик хусусиятларини ўзида сақламоқда.

Ўзбекистон табияти ва тупроғи азалдан турли гиёҳларга бой. Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ турдаги ўсимликнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиши учун рўйхатга олинган. 70 турдаги доривор ўсимликлар эса

фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

Аммо табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захиралари ҳам инсон таъсирида камайиб бормоқда. Бу эса республикада шифобахш ўсимликлар турларини кўпайтириш, уларни юртимиз тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган минтақаларда экиб, ўстириш заруратини юзатга келтирмоқда.

Шу мақсадда сўнгги йилларда мамлакатимизда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, қўшимча қиймат занжирини яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Доривор ўсимлик кластери ва плантациялари ташкил этилмоқда

Доривор ўсимликларга, айниқса, фармацевтика саноатида талаб катта. Ҳар йили юртимизда ўсадиган юзлаб доривор ўсимликлардан турли препаратлар тайёрланиб, замонавий тиббиётда касалликларни даволашда қўлланилади. Мамлакатимизда доривор ва зирavor ўсимликларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани уларни экиб, ўстирадиган фермер ва ихтисослашган ҳўжаликларни ташкил қилиш ва кўпайтириш заруратини юзатга келтирмоқда. Шу боис, чет давлатлар стандартлари асосида доривор ўсимликлар етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишловчи кластерлар сонини кўпайтириш, экспортда доривор ўсимликларнинг хомашё сифатидаги улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга қаратилган ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу борада истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, хориж инвестициялари юртимизга жалб этилмоқда.

Мутасаддиларнинг айтишича, айни пайтда республикаимизда доривор ва зирavor ўсимликларни етиштирувчи 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, улар сони кун сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, ҳудудларда 14 та доривор ўсимлик кластери, маҳаллий тадбиркорлар томонидан плантациялар ташкил этилди. Ҳўжалик далаларида коврак, қизилмия, шяфран, доривор мойчечак, қалампар, яфпиз, мармарак (маврак), валериана, фенхель (дорихона укропи), тирноқгул, наъматак турлари, аччиқ шувоқ (эрман), қора андиз, ажгон (зиран кармони), арпабодиён, оддий дастарбош, булакли итузум, майда гулли тоғрайхон, беш булаккли арслонқўйруқ, пол-пола, сано (касася) ва бошқа доривор ўсимликлар ўстирилмоқда.

Юртимизнинг тоғли ҳудудларида, мусаффо ҳавода етиштирилаётган шифобахш ўсимликларга хорижда ҳам талаб



Имконият

Фаолиятни расмийлаштириш янада осонлашди

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ижтимоий ҳимоялашнинг кенг қамровли шаклларида бири аҳолини пенсия ва нафақалар билан таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 июнь кўни эълон қилинган “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қарор билан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга жорий йилнинг июль ойидан бошлаб қўллаб-қувватлаш шароитлари яратилди. Жумладан, Солиқ кодексига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари ҳисомоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар шўғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати кенгайтирилиб, 24 тадан 67 тага етказилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Даромад ва харажатларни узоқ мuddатли прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш сектори бош мутахассиси Фаррух Назиров. — Энг асосийси, мазкур меъёрий ҳужжатлар фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Юқоридаги қарор ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Хусусан, ҳужжатга кўра, эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида

ҳақиқатан ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Ана шу суммадан келиб чиққан ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган антикда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми тариқланади.

Маълумотларга кўра, республикаимизда 15 миллион нафар фуқаро иқтисодий фаол ҳисобланади. Бугунги кунда ана шу аҳолининг қарийб 5,8 миллион нафари меҳнат шартномаси асосида, 400 мингдан зиёди яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиб, Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўлаб келмоқда.

Қайд этиш жоизки, аҳолининг деярли 9 миллион нафари расмийлаштирилмаган ҳолда меҳнат фаолияти юритмоқда. Ушбу тоифага хорижий давлатларда иш фаолиятини амалга ошираётган 2,5 миллион атрофидаги, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ерларида банд бўлган 1,5 миллиондан ортиқ, қурилиш соҳасида, бозорлар, маиший хизмат кўрсатиш ва мавсумий ишларда банд бўлган 4 миллионга яқин фуқарони киритиш мумкин.

Улар ўз фаолиятларини расмийлаштирмагани ҳамда Пенсия жамғармасига тўловларни амалга оширмагани учун келгусида ижтимоий ҳимоядан, жумладан, пенсия таъминотидан маҳрум бўлишлари эҳтимоли мавжуд.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўз фаолиятларини расмийлаштиришларини соддалаштириш, яқка тартибдаги ва оливайи тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида жорий йил 1 июлдан бошлаб

Ҳамкорлик

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсоният олдида глобал исиш, сув танқислиги, азон қатламнинг емирилиши каби муаммолар каторида сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар истеъмоли масаласи ҳам кўндаланг турибди. Айни кезде турли омиллар сабаб ерлар шўрланиб бормоқда. Уларни тиклаш, ҳар қандай шароитда юқори озукавий қийматга эга экин турларини яратиш ва етиштириш бугуннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.



КИНОА — ИККИ КАРРА ФОЙДАЛИ ЭКИН

Киноа. У сўнгги йилларда Анд тоғлари ҳудудида етиштирилувчи (Cheno podiumquinoaWilld), турли мақсадларга мўлжалланган агросаноат экини сифатида умумэътироф этилган. Киноа энг ноқулай тупроқ ва иқлим шароитларида ҳам ўса олиш ҳу-

сусятига эга. Ҳозир бу ўсимлик Копорадодан Саскачевангача чўзилган тоғларда етиштирилади. Бутун дунёда, Африка, Осиё ва Европада, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Американинг бошқа минтақаларида бу экин турини етиштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик самараси

Ўтган йили мамлакатда барқарор қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича қўшма фаолиятни ривожлантириш мақсадида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Шўрланиш шароитида биодеҳқончилик халқаро маркази (ICBA) ўртасида стратегик ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Бунинг натижаси улароқ, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида киноа экиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

— Ўрта Осиё минтақаси озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қўллаб муаммоларга дуч келмоқда ва суғориш учун сув етишмаслиги, тупроқ емирилишининг кучайиши ҳамда ҳосилдорликнинг 20-30 фоиз пасайиши шароитида аҳолини юқори оқсилли маҳсулотлар билан таъминлаш зарурати пайдо бўлмоқда, — дейди қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Ҳўжаев. — Экинларни диверсификация қилиш шароитида шўрланишга бардошли янги ўсимликларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда киноа ўсимлигининг юқори оқсилли маҳсулот сифатидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли озиқ-овқат таъминоти ва қорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун озуқа базасини яратиш заруратидан келиб чиқиб, 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида киноа экиш бўйича 4 та ер участкасида илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Мазкур лойиҳа экинларни диверсификациялаш, қорвачилик ва ўрмон ҳўжалигини интеграциялашган тизимлари, уруғчиликка оид дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда инновацион технологиялар ва ёндашувларни жорий қилишдаги ҳамкорликни кўзда tutади.

Келишувга мувофиқ, томонлар шўрланишни бошқариш ҳамда ер ва сув унумдорлигини ошириш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилади.

Оқсилга бой киноа



Киноанинг фойдали жиҳатлари кўп. Энг асосийси, у юқори оқсил миқдорига ва озуқавар фойдаланишга ўртача 12-14 фоиз оқсил мавжуд бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, киноа оқсилли глютенсиз бўлиб, ҳазм бўлиши осон. Унда кўплаб целлюлоза ва фосфор, қолаверса, минераллар, айниқса, кальций, рух, темир, мис, магний, марганец, 5 фоиз ёғ, В1, В2, С, В, А, Е, К, РР, Д витаминлари мавжуд.

Ёрмаси оқсил сифати бўйича табиий тоза сут билан тенглаша оладиган киноа ноёб аминокислоталарга, хусусан, лизин, триптофан, валин, треонин, фенилаланин, тирозин, гистадин, изолейцин ва лейцинга бой бўлиш баробарида диабет хавфини камайтиришда ҳам яқин самара бериши мумкин.


Унинг уруғи ун, шўрва ва қуруқ нонушта

тайёрлаш учун ишлатилади. Қолаверса, оширувчи-крахмал сифатида бугдой ёки маккажўхори уни билан қориштирилиб, нон ва нон маҳсулотларини пиширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Баргларини салатга қўшиб истеъмол қилса бўлади. Бундан ташқари, қорва учун ҳам озуқа манбаидир.

Энг асосийси, киноа ўсимлиги фавқуллода кенг қамровли етиштириш шароитларига мослашиб кетаверади. Бу, айниқса, ёғингарчилик кам бўлган муҳитдаги маргинал тупроқларда парвартишлаш учун айни муддаодир.

Умид қиламизки, бу ўсимликни етиштириш устидаги тадқиқотлар муваффақиятли якуланиб, амалиётга кенг жорий қилинганч, шўрланиш юқори бўлган ҳудудда яшовчи аҳолини озуқавий қиймати юқори маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ҳам ҳисса қўшади.

Таълим



Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2018 йил 28 июнда ташкил этилган “Ипак йўли” туризм халқаро университети мамлакатимиздаги навқирон таълим муассасаларидан биридир. Университетда туризм соҳаси учун етук кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим сифатини яхшилаш билан бирга, ривожланган мамлакатлар туризм таълимидаги тажрибалар жорий қилиняпти. Ана шундай тажрибалардан бири ҳар бир ходимнинг фаолиятини КРИ тизими орқали баҳолашдир. Энди ўқув йили якунида профессор-ўқитувчилар фаолияти уларнинг ўзлари томонидан имзоланган КРИ тизими бўйича баҳоланади.

Университетнинг амалдаги бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жаҳон таълим стандартларига интеграция қилиш мақсадида илмий кенгаш ўрнига университет сенати ташкил этилди. Ушбу сенат ўз фаолиятини ҳар йили тасдиқланган фаолият режасига мувофиқ амалга оширади. Сенатда университет ҳаётидаги барча масалалар очик, шаффоф шаклда муҳокама этилади, объектив қарорлар қабул қилинади.

Шунингдек, мамлакатимиз ОТМлари орасида “Ипак йўли” туризм халқаро университетида илк бора Болоња жараёни кредит-модуль тизимига ўтди. Бу таълим тизимига ўтиш таълим сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланиш ва Европадаги турдош ОТМлар билан таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади.



Университетда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, Болоња декларацияси асосида бакалаврият таълими босқичи талабалари учун кредит тизими, магистратура босқичи талабалари учун кредит-модуль тизими йўлга қўйилди.

— Кредит тизимига асосан, талабаларнинг ўқув режаси (Curriculum)да мажбурий фанлар сони 4 та, танлов (Elective) фанлари сони биттани ташкил этади, — дейди университетнинг интернационализация ва стратегик ривожланиш ишлари бўйича биринчи проректори Жўлибой Эптазаров. — Ҳар семестрда фанлар сони 5 тадан ошмайди. Фақатгина 2-курс давомида талабалар учун “Тадбиркорлар учун ўзбек тили” (Business Uzbek) фани киритилган. Бу фан доирасида талабалар давлат тилида иш юритиш ва нутқ маданиятини

Айрим стартап лойиҳалар қанчалик қизиқарли ва жозибадор бўлмасин, бозорда таклиф бўлмаса, тўлақонли бизнесга айланолмайди.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: бунинг учун кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган

ўрганади. Бундан ташқари, академик семестр давомида талабалар эътиборига бештагача фан тақдим этилиб, танлов фанлари талабаларнинг энг кўп миқдори томонидан белгилаб олинади. Ҳозирги вақтда талабаларга танлов фанлари таркибидagi English in Tourism I-II, Second Foreign Language (Chinese/Russian) фанлари ўқитиб келинмоқда. Шунингдек, университетда 5 кунлик таълим ҳафтаси ҳамда унга мувофиқ 2+1 таълим тизими ёки даул таълим жорий қилинган.

Айни пайтда бакалаврият таълими босқичи талабалари учун ўқиш 5 кунлик этиб белгиланган бўлиб, уларнинг ҳафталик юклаваси 30 академик соатдан иборат. Университет туризм соҳасидаги биринчи миллий университет эканини ҳамда талабалар Давлат тест маркази имтиҳонлари асосида танлаб олинганини ҳисобга олиб, барча хорижий тил фанлари 2+2 тарихида олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад талабаларнинг чет тилини билиш даражасини оширишдир. Таълим дастурлари бўйича дарс жараёни давомийлиги 50, танаффус 10 дақиқа қилиб белгиланган. Бу бевосита таълим олиш сифатини ошириш имкониятини беради. Сабаби, инсон мияси маълумотларни 80-100 дақиқа давомида тўхтовсиз қабул қилиш имкониятига эга эмаслиги табиёиётда исботланган. Университетда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб таълим беришда семестр давомийлиги 14+2 ҳафта деб кўрсатилган. Таълим юклаваси талабалар учун қўлай бўлишига эришиш мақсадида ўқув йили ҳар семестрининг 8 ҳафтаси давомида оралик назоратлари (Mid Term), 16 ҳафтада эса имтиҳонлар (Final exam) ўтказилмоқда.

Университет профессор-ўқитувчиларининг 70 фоиздан ортиги Италия, Индонезия, Малайзия, Буюк Британия, Туркия, Германия, Эрон, Канада, Жанубий Корея, Болгария, Хитой каби давлатлар олий ўқув юртилари мутахассисларидир.

Шунингдек, таълим дастури фанлари бўйича силлаббуслар ISO9001-2015 халқаро таълим стандартларига мослаштирилган. Ўқув дастурлари жаҳон андозаларига кўра тузилган бўлиб, уларнинг стандартлари халқаро талабаларга тўла жавоб беради. Жумладан, фанлар доирасида ўқитувчиларга академик мустақиллик берилган бўлиб, улар ўқув дастурларини мустақил равишда креатив ёндашган ҳолда тузишлари мумкин. Яъни ўқитувчиларга талабаларни шу фан дунёсига олиб киришлари учун барча имкониятлар яратилган. Талабаларни имтиҳон ёки фаннинг қайсидадир бўлимига тайёрлаш эмас, балки уларда изланувчанлик, креативлик, ҳар қандай шароитда қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида оралик (Midterm) назоратлар шакли сифатида лойиҳа, тақдимот, туристик дистанцияларни кашф этиш жорий қилинган. Университетда таълим жараёнига жалб этилган барча профессор-ўқитувчилар ўтлаётган дарсларни тўлиқ тақдимот (презентация) шаклида амалга оширмоқда. Қопаверса, ўқитиладиган барча фанлар номларини ва ихтисослигиндан келиб чиқиб, қодлаштириш тизимига ўтказилган. Бу жараён университет ўқув режаларида ҳам ўз аксини топган.

— Талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга асосий эътиборни қаратиш мақсадида таълим беришда назария+амалиёт услуби (3+2) йўлга қўйилди,



— дейди Жўлибой Эптазаров. — Ҳозир бу жараён такомиллаштирилмоқда. Университетимизда make-up имтиҳон топшириш тизими ҳам жорий этилган бўлиб, талабалар имтиҳон жараёнини икбий натижа билан топшира олмаган тақдирда 1-2 ҳафта, ўтган қайта топшириши мумкин. Шунингдек, академик қардорлиқни талаба ўқишга кирган йилидан бошлаб 7 йил мобайнида топшира олиши имконияти берилган. Талабалар орасида икбий таълим муҳитини яратиш мақсадида университет фаолиятида эдвайзинг ва тютюрлик хизматлари йўлга қўйилган. “Ипак йўли” туризм халқаро университетида ҳозирги кунда 15 та эдвайзер фаолият юритмоқда. Эдвайзер 30-40 талабадан иборат гуруҳни бошқариш, улар билан маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этишда кўмаклашди. Шунингдек, эдвайзер ўзлаштириш, давомати ва тартиб-интизомни яхши бўлмаган талабалар билан яқка тартибда ишлайди. Уларни ибратли талабаларга бириктириб қўяди ва илгорлар сафига олиб чиқиши учун деканат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда зарур чора-тадбирларни амалга оширади. Шу билан бирга, талабаларда “Amadeus” тизимида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув курси татбиқ этилмоқда. Талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини ошириш мақсадида ўқиш-ёзиш-тинглаш-гапириш йўналишларида амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, университет бўйлаб жонли нутқ ҳудудлари яратилган.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳар бир ўқув муассасаси учун долзарб мавзудир. Ушбу муаммони ҳал қилишда ОТМнинг иш бевуричлар билан ҳамкорлиги катта ёрдам беради. Университет томонидан тайёрланаётган мутахассисларга нисбатан талабаларни тўри қаноатлантириш мақсадида таълим муассасаси ҳузурида Иш бевуричлар кенгаши шакллантирилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, университет Ўзбекистон олий таълим

тизимиди илк бор ўқиш жараёнига бутун дунёда тан олинган дуал таълим тизимини жорий қилди.

Хўш, дуал тизими нима? Дуал ўқитиш назарий қисмининг таълим муассасаси базасида, амалиётнинг эса иш жойларида ўтилишини назарда тутди. Тизимнинг ишончлилиги, ҳаётийлиги унинг иккала томонининг ҳам манфаатларига жавоб бериши билан ифодаланади. Корхона учун дуал таълим “бурютма” кадрларни ўз талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрлаш имконини беради. Бу эса ходимларни излаш, танлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишга бўлган вақт ва харажатларни тежайди. Чунки тўрт йиллик ўқиш+амалиёт жараёнида иш бевуричлар энг қобилиятли ва яхши ўқувчиларни саралаб олиш имконига эга бўлади. Бу даврда уларнинг кучли ва кучсиз жиҳатлари аққол қўринадди. Бундай ёндашув, ўз навбатида, талабаларни ҳақиқий билим олиб, етук мутахассис бўлишга ундайди.

— Талабаларимизга бир кунда иккита назарий ва битта амалий дарс ўтилади, — дейди университетнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Наргиза Абдувоҳидова. — Бу билан улар назарияни амалиёт билан бириктиради. Чунки олинган билимларни дарҳол ҳаётга татбиқ этиш таълимнинг энг самарали усулидир. Ҳафтанинг тоқ кунларида талабаларимиз амалиётни тарихий ёдгорлик объектларида ўтади ва гид-экскурсоводларга айланади. Қўхна тарих билан юзма-юз бўлиш, яқиндан танишиш келажақда шахримиз меҳмонлари ва сайёҳларига бор билим ва тажрибалари билан ўртоқлашиш имконини беради. Ҳозирги кунда университетимизда 642 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Хусусан, университетда 120 нафар талабадан иборат волонтерлар ҳаракатига старт берилди. Волонтерлар ҳаракати ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятини рағбатлантиришнинг энг яхши механизми бўлиб, жамият ривожланиши йўлидаги

долзарб муаммоларни ҳал этиш, гоё ва ижтимоий масъулият кадр-қимматини оммалаштиришда кўмаклашади. Шунингдек, университет ҳозирги кунда 63 та хорижий ва маҳаллий ОТМ билан халқаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолаган. У жаҳоннинг 13 та илгор олий таълим муассасаси, жумладан, Индонезиядаги Сахид туризм институту ва Суракартадаги туризм институту, Хитойдаги Гуилин туризм университети, Чехиянинг логистика олий мактаби билан “Double degree” (қўшма диплом) дастури бўйича ҳамкорликда талабаларни ўқитишни йўлга қўйди. Шунингдек, имзоланган шартнома ва меморандумлар асосида 2019 йилда университет талабаларининг 20 фоиздан ортиги Индонезиянинг Гунадарма университети, Италиянинг Tor Carbone олий мактаби ва Германияда “Reinds Parkenkirchner Hof” меҳмонхонасида ёзги амалиётни ўтаб келди. Жорий 2020 йил февраль ойда университет делегациясининг Туркия ОТМларига қилган ташрифида Анталия туруператорлари уюшмаси президенти билан учрашувда талабалар учун меҳмонхоналар ва тадбирларни бошқариш, ресторан бизнеси йўналишлари бўйича ёзги амалиётни ташкил этиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб университетда халқаро туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича кредит таълим тизими жорий қилинган. Бугунги кунда университет кундузги таълим йўналиши бўйича менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича), маркетинг (туризм маркетинги), туризм (фаолият йўналишлари бўйича), гид хамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (инглиз тили) ҳамда сиртқи ва магистратура йўналиши бўйича таълим хизматлари кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси халқаро туризмни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Инновация

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Стартап келгусида сотиб олинадиган ёки талаб қилинадиган махсулот ёхуд хизмат турининг амалга ошмаслик хавфи юқорилиги туфайли “таваккалчилик” асносида ишлаб чиқариш, бор нарсани янада яхшироқ томонга ўзгартириш учун мўлжалланган.

Тадбиркор томонидан оз сонли ишчилар билан ташкил этилган кичик стартап бир неча ой давомида ҳаётга қаратилган янги бизнес гоёси учун ўнлаб имкониятларни яратиши ва синовдан ўтказиши мумкин. Дейлик, мавжуд бўлган махсулот ёки хизматга бўлган талаб пайсиди қолса, одамлар уни сотиб олмайдими ёки ундан фойдаланмайдими. Яхши стартап гоёлар эса вазиятни кескин ўзгартириб юборади.

Аммо стартап лойиҳалар тўлақонли бизнесга айланиши учун муайян вақт керак. Яъни стартаплар ривожлантириш босқичларидан ўтиши лозим. Тайёрланган махсулот ёки хизмат турининг катта фойда келтириши ёки келтирмаслигига, аввало, бозор баҳо беради.

Айрим стартап лойиҳалар қанчалик қизиқарли ва жозибадор бўлмасин, бозорда таклиф бўлмаса, тўлақонли бизнесга айланолмайди. Мисол учун, ZOOM дастури бир неча йиллар муқаддам яратилган бўлса-да, унга нисбатан талаб бўлмаган. Аммо пандемия сабаби талабнинг бир неча баробар ошиб кетиши уни бу соҳаниннг ийрик иштирокчисига айлантирди ва акция баҳоларининг бир неча ўн қарра ўсишига сабаб бўлди. Худди шунингдек, Ўзбекистонда етказиб бериш хизмати яхши ривожланмаган эди. Пандемия сабабли бу хизмат тури тез оммалашди.

Дунёнинг иқтисодий жиҳатдан илгор мамлакатларида инновацион экотизимни ривожлантиришда стартапларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам бундай экотизимни жаҳон талаблари асосида йўлга қўйиш борасида бир қанча амалий ишлар бажарилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилди. Утган вақт давомида умумий қиймати 31,5 миллиард сўм бўлган 34 та стартап лойиҳа орқали илмий салмоқли, рақобатбардош янги махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат турларини яратиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда вазирлик томонидан келажақда йирик бизнесга айланиши кутилаётган айрим стартап лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим қадмидир.

Масалан, CleanBox стартапи — уйнинг гаражида ташкил этилган лабораторияда беш турдаги кондиционер учун хонадаги ҳавонин зарарсизлантириш қўшимча қўрилмаси, болалар анжомлари ва ўйинчоқларини зарарсиз сақлаш, уй жиҳозларини, хонадаги ҳавонин тозаловчи қўшимча қўрилмалар яратилди. Бугунги кунда уни серияли ишлаб чиқариш жараёнига тайёргарлик қўрилмоқда.

— Мактабгача таълим муассасаларида болалар ўйинчоқлари регламент

асосида кунига икки марта ювилиши керак. Бунинг ҳар доим ҳам имкони бўлмайди. Шундай пайтда бу қўрилма жуда кўп келади, — дейди CleanBox стартапи раҳбари, техника фанлари доктори Амир Обидов. — Ишланмани хориҳда синовдан ўтказдик. Айни пайтда уни тижориллаштириш устида изланиш олиб бораёмиз.

Топинамбурдан шифобахш биологик фанол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш борасидаги ишланма ҳам эътиборга молик. 2019 йили 510 килограмм махсулот “Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази” МЧЖда таҳлилдан ўтказилди. “Ўзбекэкспертиза” АЖдан сертификат олинди, Латвиянинг SIA “WENS-3” корхонасига экспорт қилинди. Жорий йилнинг февраль ойида мазкур корхона билан 200 минг АҚШ доллари миқдоридда шартнома имзоланди.

WiFi тармоқларини бошқариш миллий инновацион тизими — HotSpot.uz дастури такомиллаштирилган ва веб-сайти яратилгани яна бир йирик лойиҳадир. Мазкур лойиҳа Навоий шаҳрида амалиётга татбиқ этилмоқда. Айни пайтда дастур микозларга сотилиб, ўрнатиб берилмоқда.

Вазирлик томонидан молиялаштирилган стартаплар доирасида 2018 — 2020 йиллар давомида ўттизга яқин корхона ташкил этилган. Стартап лойиҳаларини амалга ошириш бўйича 223 та иш ўрни очилган.

Ҳозирги кунда сунъий интеллект дунё мамлакатларида давлат бошқаруви, саноат тармоқлари, таълим, табиёиёт,



қишлоқ хўжалиги, муҳофаа ва миллий хавфсизлик, туризм ва бизнес соҳаларида кенг оммалашмоқда.

— Мамлакатимизда сунъий интеллектнинг ривожлантирилиши ахборот технологияларни соҳасида ҳам янги стартап гоёларини ҳаётга татбиқ этилишига замин яратмоқда, — дейди инновацион ривожланиш вазирини ўринбосари Азимж Назаров. — Масалан, туризм ва бизнес соҳаларини ривожлантиришда бугунги кунда VR (виртуал реалли) технологияларни жорий этиш самарали ҳисобланади. Вазирлиқнинг янги биносида бундай технологияларнинг элементлари қўллланган. Улардан бири — ўзбек стартапчилари томонидан ишлаб чиқилган NazzAR мобилъ иловаси. Смартфон орқали NazzAR белгисига йўналтирилганда мобилъ қўрилма экранда реал объект-

ларнинг 3D шакллари, видеороликлар, фотосуратлар жонлидек тасвирланади. Шунингдек, турли эффектлар билан тўндириб борилиши мумкин. Вазирлик биносига қадам қўйган одам бу илова орқали даставвал бинода яратилган барча шарт-шароит билан виртуал танишиши мумкин. Бугунги кунда NazzAR мобилъ иловасининг имкониятлари туризм соҳаси, айниқса, музейларда кенг қўллланмоқда. Самарқанд шаҳридаги Гўри Амир, Бибихоним макбаралари, Улугбек расадхонаси, Афросиёб музейи, Хива шаҳридаги Ичанқалъа маданий мерос объектларида мазкур мобилъ илова орқали экспонатлар ҳақидаги маълумотларни янада қизиқарли шаклда туристларга етказиш имконияти мавжуд. Шунингдек, яқин кунларда стартапни Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони

ва Бухоро шаҳридаги Арк ва Моҳи Хосса тарихий-маданий мерос объектларида ҳам жорий этиш ишлари якунланмоқда.

Бундан ташқари, “SMART CHAIN” компанияси томонидан “Ўзбекистон” номли 13 дона, “Самарқанд” номли 10 дона инновацион карточка ишлаб чиқилган. Улар орқали мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мумкин. Карточкалар смартфон ёрдамида тарихий-маданий объектлар, музейлар, шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларни 3D шаклда намойиш этади. Мазкур карточкалар Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида сотувга чиқарилган.

Вазирлик томонидан ёшларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш борасида янги стартап лойиҳалар танловлари эълон қилиб борилмоқда.

Вазирлик ҳузуридаги Ёшлар академиясининг 2020 йил учун энг яхши 20 та стартап лойиҳа танлови, шулар жумласидан. Россия Федерациясининг Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси билан биргаликда “Ўзбекистон — Россия Федерацияси”, Шўрланиш шароитида биодеҳқончилик халқаро маркази (ICBA) билан биргаликда “Орол денгизи минтақасининг шўрланган ерларида инновацион стартап лойиҳалар танлови” қабилир қўллаб-қувватлаш йозага келишига замин яратяди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мамлакатимизда стартаплар экотизимининг қонуний асосини яратиш мақсадида “Стартаплар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилаётганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда бу соҳадаги етук халқаро мутахассисларнинг фикрлари ўрганилмоқда.





Шерзодхон МАХМУДОВ,
ЎЗР ФА Тарих институти
директори ўринбосари,
тарих фанлари номзода

Университетни
тамомлаб, иш
фаолиятининг илк
кезларидан илмий иш
билан шугулланишга
бўлган иштиёқим
янада оша бошлаган
эди. Бу мақсадимни
амалга ошириш учун
2001 йилнинг сентябрь
ойидан азим Тошкентга
қараб йўл олдим. Ҳар
сафар ота-онамни зиёрат
қилиш учун тугилиб
ўсган қишлоғимга
отланар эканман,
қалбимда юртга бўлган
ошиқши ва соғинчни ҳис
қилардим.


Адиблар хиёбонида Заҳириддин Мухаммад Бобурга ўрнатилган ёдгорликка боқганимда қалбимдан бу зотнинг шахсиятига нисбатан яна бир ҳис ўтди. Унинг Ватан туйғуси ва соғинчи ҳақидаги нолапарни неча асрлар ўтса-да, ҳаётий ҳақиқатни англаш, мушоҳада қилишимизга туртки бераверади. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг тақдирига 12 ёшидаёқ ҳукмдорлик мартабаси битилгани боис, елкаси-га халқнинг масъулияти тушди. Унинг барча саъй-ҳаракатлари мамлакатни бирлаштириш, улуг бобоси Амир Темур барпо этган салтанатни яна оёққа турғизидан иборат бўлган. Лекин тақдир ҳар доим ҳам қувончли бўлавермайдиган. Унинг мамлакатни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари эса аламли мағлубиятлари билан якун топди. Алалоқибат, у Ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлди. “Бобурнома”ни ўқиш жараёнида Бобурнинг ёшлик чоғлари сарсон-саргардонликда кечганини кўрамиз. Ҳатто у киши фаслида Кобул йўлидаги машаққатли кунларини “Бобурнома”да баён этар экан, унинг қанчалик заҳмат чекаганига гувоҳ бўламиз. Бобурнинг Кобулга



У ҳаёт машаққатларидан орттирган тажрибаси, ақл билан ҳаракат қилиши ва тадбиркорлиги, қолаверса, томирида соҳибқирон Амир Темурнинг қони оққани боис ҳам Ҳиндистонда янги давлат тузишга эришди.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

ЮРТ СОҒИНЧИ



кейтиши киш фаслига тўғри келган эди. Қор шу қадар кўп ёққанки, ҳатто отнинг узангисига қадар етганини, баъзи жойларда отнинг оёғи ерга ҳам тегмай қолган ҳолатлар бўлгани “Бобурнома”да қайд этилади. Бундай оғир шароитдаги сафар бир ҳафта давом этган. Бу машаққатларга Бобур бардош бера олган бўлса-да, у қисматидаги синовли ва оғир кунларини қуйидаги тарзда ушбу байтда акс эттиради:

Чархнинг мен кўрмаган жавру
жафоси қолдим,
Хаста кўнғулм чекмаган дарду
балоси қолдим.

Лекин бу машаққатли жараёнлар Бобур тақдирини янги эшикларнинг очилишига олиб келган эди. Улугвир халқимиз бундай вазиятларга муносабат ўлароқ “ҳар кишининг баҳори бор — ҳар туннинг сабоҳи бор”, деб бежиз айтмайди-ку.

Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг иродаси, ҳаёт синовларига бўлган бардоши Яратганининг марҳамати билан унинг тақдирини янги йўллар очди. У ҳаёт машаққатларидан орттирган тажрибаси, ақл билан ҳаракат қилиши ва тадбиркорлиги, қолаверса, томирида соҳибқирон Амир Темурнинг қони оққани боис ҳам Ҳиндистонда янги давлат тузишга эришди. Бу қадим ҳудудда тузилган салтанатнинг унинг авлодлари томонидан уч аср давомида бошқарилиши тарих саҳнасида бобурийлар сулоласининг ўз муносиби ўрнини эгаллашига замин яратди.

Заҳириддин Мухаммад Бобур ўзи асос солган салтанатни сиёсий жиҳатдан бирлаштирди, унинг ободонлаштиришга қўшган ҳиссаси Ҳиндистон учун манфаатли бўлди. Шу жиҳатдан ҳам Ҳиндистоннинг ийрик сиёсий арбобларидан Жаҳоҳарлал Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” ва “Жаҳон тарихига бир назар” асарларида Бобурга юксак баҳо берган эди. Хусусан, Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида “Бобур — дилбар шахс. Уйғонувчан даврининг ёрқин ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севадди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди”, деб эътироф этган эди.

Заҳириддин Мухаммад Бобур Ҳиндистонда салтанат соҳиби, подшоҳ бўлишига қарамай, ҳар доим Ватанини соғиниб яшади. У Ватанга бўлган соғинч туйғуларини ижодида, шеърларида ифода қилишга уринди.

“Бобурнома”да Мовароуннахрнинг Андижон, Ўш, Аҳси, Косон, Хўжанд, Конибодом, Тошкент ва Самарқандни таърифлар экан, юртида қолган дўсту ёрлари, табияти, ноз-неъматлари унга Ватанини эслатар эди. Жумладан, “Бобурнома”да Андижонга таъриф берар экан: “Ошиғи вофур, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас”, деб қайд этади. Марғилонни таърифлаганда: “Яхши қасаба... анори ва ўриги асру хўб бўлур. Яна бир жинс ўрик бўлурким, донасини олиб, ичига мағиз солиб қурутурлар, “субҳоний” дерлар, бисёр лазиздир”, деб ёзади. Бобурнинг ушбу қайдлари, бир томондан, ўз юрти деҳқонларининг миришкорлиги, аҳолининг кундалик

турмушидан яхшигина хабардор бўлганини аңлатса, иккинчи томондан, бу қайдларда соғинч ҳисси ҳам акс этганлигини кузатиш мумкин. Буни Бобурнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, у Аҳси (Наманган)да етиштирилаётган “Миртемурий” навли қовунни жуда юқори таърифлайди. Ҳатто Самарқандда турган вақтида бир маросимда Аҳси билан Бухорода етиштирилган қовуннинг мазасини солиштирган, “Аҳси қовунини ҳеч нисбаси йўқ эрди” дея эътироф этади. “Бобурнома”да унинг қовунни жуда яхши кўрганини ҳатто Ҳиндистонда балхлик



полизорларга қовун эктирганидан аңлаш мумкин.

Заҳириддин Мухаммад Бобур ўз асарида Самарқандни кўмсаб, унинг қуйидаги сифатларини ажратиб кўрсатади: “Самарқанд ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрди бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмасдур.... Оламда яхши коғаз Самарқанддин чикар. Самарқандни яна бир матойи кирмизи махмалдурки, атроф ва жавониб-ға элтарлар”. Бобурнинг бу таърифи аслида теурийлар давлатининг ўзаги бўлган Ватани Мовароуннахр билан фахрлиниш ҳамда айни вақтда уни соғиниш ҳисларининг ифодасидир. Инсон ўз Ватанининг хуш ҳавоси, ноз-неъматлари ҳамда етиштирилаётган маҳсулотлари афзалликларини бошқа жойда кўрмаганлиги, учратмаганлиги учун ҳам бундан фахрланади. Чунки Бобур Ҳиндистонда ўз салтанатини барпо қилган бўлса-да, у ерда Ватанининг табияти, бойликлари, деҳқончилик маданияти ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳалари ютуқларини учратмади. Шу боис, Бобур томонидан ўз юртининг яхши сифатлари эсланиши, баён қилиниши аслида юрт соғинчидир, ёшлигидаги унутилмас яхши хотираларининг бир парчасидир.

Заҳириддин Мухаммад Бобур зукко олим ва ҳар бир нарсасига эътиборли шахс бўлган. У Ҳиндистонда барпо қилинган расадхоналар билан Самарқандда қурилган Мирзо Улуғбек расадхонасини солиштирган. Мовароуннахрда вақтни белгилашда бир кеча-кундуз 24 соатдан иборатлиги, бир соат 60 дақиқадан ташкил топишини, Ҳиндистондаги вақт бирлигидан фарқи эканини киёсий кўрсатиб берган. Шунингдек, ўзбек ва ҳинд маданияти ўртасидаги фарқлари, аҳолининг яшаш тарзидаги хусусиятларини таҳлил қилган. Бу ҳолат ҳам Бобурнинг Ҳиндистонда туриб, ўзбек маданиятини кўмсаганлигини аңлатади.

Заҳириддин Мухаммад Бобурни кўпчилик шоҳ ва шоир деб билади. Унинг ислом таълимоти, аҳкомларини ҳам яхши ўрганганлигини “Мубайин” номли



Ҳаним йўлдошев олган суратлар.

асаридан билишимиз мумкин. Ҳатто “Бобурнома”да аҳли сунна ва жамоа ақдаси бўйича олимлар Абулҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридид, “Саҳиҳи Бухорий” соҳиби Исмоил Бухорий, “Ҳидоя” муаллифи Бурҳониддин Марғиноний ҳақида ҳам сўз юритиб, бу олимларнинг асарларига юксак баҳо беради.

“Бобурнома” асарида кўплаб тарихий шахслар ҳақида маълумотлар қайд этилган. Жумладан, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Мавлоно Қози ва бошқа кўплаб олимлар, машоҳидлар, шоирлар номи катта эҳтиром билан тилга олинади.



“Бобурнома”ни ўқиган инсон унинг серқирра шахс — ҳукмдор, сиёсатчи, моҳир саркарда, шоир ва ёзувчи, бир сўз билан айтганда, ўз даврининг қаҳрамонларидан бири бўлганига амин бўлади.

Бобур ҳақида муайян адабиётлар қатлами яратилган бўлса-да, бу серқирра шахс тарихини ҳар томонлама ўрганиш, бир сўз билан айтганда, унинг тарихий портретини барча жозибаси билан тиклаш керак. Бу эса олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.

Заҳириддин Мухаммад Бобурдек инсонларни берган бу миллат яна кўплаб фидойи олим адибларни, ватанпарварларни дунёга келтиради. Бобур сингари тарихимизда муносиб из қолдирган, илм-маърифат, миллат келажаги учун умрини бахшида этган маърифатпарварлар сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларни миллат ҳар доим севиб ардоқлайди.

Геотуризм

КИТОБ ГЕОЛОГИЯ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИ

ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини оширади

Қодиржон МИНГБОЕВ,
Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи

Шу йил 30 июнь куни Ўзбекистон Президентининг “Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Илгари геология қўриқхонаси бўлган ҳудуднинг миллий табиат боғига айлантирилганига ўзига хос омиллар мавжуд.



Китоб геология қўриқхонаси ҳудудда кўп асрлар давомида шаклланган ноёб табиат ёдгорликлари ҳамда девон даврига мансуб халқаро эътироф этилган “Зинзилбан” геологик кесмаси жойлашган. Минтақа ва қитъалараро корреляция қилиш (ўзаро боғлаш) имконини берадиган ушбу кесма халқаро миқёсдаги стратиграфик эталон ҳисобланади. Бугунги кунда қўриқхонадаги ушбу ноёб геологик объектдан халқаро геология ҳамжамияти намуна сифатида фойдаланиб келмоқда.

Давлат геология қўмитаси тизимидаги КИТОБ геология миллий табиат боғи ҳудудда дунё геологлари ҳамжамияти томонидан ягона намуна сифатида қабул қилинган девон тизимининг эмс яруси қуйи чегарасига тегишли ётқизикларнинг тўлиқ геологик кесими мавжуд. Мазкур геологик мерос “Фанерозой” эонотемасига мансуб қатламларнинг дунёдаги ўнта эталонидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг қатор давлатларида шу каби ноёб миллий геология боғлари мавжуд. Россиянинг “Янган-Тау”, Чехиянинг “Чехия жаннати”, Испаниянинг “Флиш Сумаия”, Япониянинг “Идзу ярим оропи” каби миллий геология боғлари шулар жумласидандир. Геология миллий боғларини барпо этиш бўйича дунё тажрибасига қўра, бундай тоифадаги боғлар (геопарклар) алоҳида қўриқланадиган макомга эга. Улар ернинг геологик тарихи, маҳаллий ландшафтларнинг шаклланиши, тоғ жинслари ва фойдали қазилма конлари ҳосилалари, қадимги ҳайвонот дунёсининг қолдиқлари оммавий тартибда сақланган алоҳида геоҳудуд ҳисобланади. Турли мамлакатларда ташкил этилган геопаркларда амалий таништирув ва туристик экскурсия тадбирлари ўтказилади. Энг аҳамиятли жойлар (геонукталар) тушунтириш жадваллари

ёрдамида таништирилади. Кўрсаткич ва йўл хариталари билан жиҳозланган махсус йўлакларда сайёҳларнинг пиёда ҳаракатланиши мумкин бўлади.

Илгари қўриқхона ҳудудида илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан ташқари барча фаолият турлари тақиқлангани сабабли унинг диққатга сазовор жойларини кенг жамоатчиликка бевосита таништириш имконияти мавжуд эмас эди. Шунингдек, ҳудуднинг инфратузилмаси, яъни автомобиль йўллари, коммуникация тармоғи, электр, газ ва сув таъминоти ҳам мутлақо қониқарсиз ҳолатда эди.

Шу боис, қўриқхонанинг КИТОБ геология миллий табиат боғига айлантирилиши орқали ҳудуддаги ноёб геологик ва табиий объектларга маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар ташриф буюришига имконият яратилади. Ундаги эътиборга молик объектлар тизимлаштирилиши ҳамда улар асосида турли сайёҳлик йўналишлари ташкил этилади. Шунингдек, ушбу объектларга олиб борувчи йўллар, аҳоли яшаш пунктларида инфратузилма ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу, ўз навбатида, ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринлари яратилиши ҳамда яшаш манзилларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Бунинг натижасида ушбу ҳудудга келиш истаги бўлган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони ортади ва у республиканинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланади.

Қўриқхона ҳудудидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада яхшилаш, аинқиса, геотуризм йўналишида сайёҳлар оқими кенгайтириш учун мазкур қарор айтиш мудоао бўлди.

Шунингдек, ҳудудни келгусида ЮНЕСКОнинг глобал геопарклар тизимида киритиш имконияти яратилади. Бунинг натижасида ташриф буюрувчи хорижий сайёҳларнинг оқими йилдан-йилга ошиб бориши таъминланади ва КИТОБ геология миллий табиат боғининг туристик салоҳияти ошади.